

Рўзани лозим тутинг, унга ўхшаши йўқдир



18:30 / 29.04.2020 1939

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: **«Рўзадор одам бирор мусулмонни ғийбат қилмаса, озор бермаса, ибодатда бўлади»**

Дайламий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, Аллоҳ унинг таоми ва ичимлигини тарк этишига муҳтож эмас»**, деганлар».

Бухорий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон кечаларини ибодат билан бедор ўтказишга тарғиб қилар, аммо қатъий буйруқ бермас эдилар, **«Ким Рамазонда иймон билан ва савоб умидида қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади»**, дер эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга Аллоҳ манфаат берадиган ишни амр қилинг», дедим. **«Рўзани лозим тут, унинг ўхшаши йўқдир»**, дедилар.

Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ деган.

«Мўминнинг қалқони» китобидан